

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc 27.06.2017. FiL.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**ЖЎРАЕВА МУНИС ЮНУСОВНА**

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ТОПИШМОҚЛАРИНИНГ ГЕНЕЗИСИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

УЎК: 398.61.001.32(575.1)(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим  
наукам**

**Content of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Жўраева Мунис Юнусовна**  
Ўзбек халқ топишмоқларининг генезиси..... 3

**Жураева Мунис Юнусовна**  
Генезис узбекских народных загадок..... 23

**Jurayeva Munis Yunusovna**  
Genesis of Uzbek folk riddles..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**  
Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc 27.06.2017. FiL.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**ЖЎРАЕВА МУНИС ЮНУСОВНА**

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ТОПИШМОҚЛАРИНИНГ ГЕНЕЗИСИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссиясида В2017.1.PhD/Fil95 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мирзаев Тўра**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эшонқулов Жаббор Солиевич**  
филология фанлари доктори

**Очиллов Насим Камолович**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги **DSc 27.06.2017. Fil.46.01** рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (Манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Б.Назаров**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.,  
академик

**Р.Баракаев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

**Ш.Турдимов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси ўринбосари, ф.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё фольклоршунослигида халқ оғзаки бадий ижоди жанрлар тизимининг таснифини яратиш, эпик сюжет ва мотивларнинг қиёсий-типологик табиати, тарихий-генетик асослари ва манбаларини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Натижада фольклор ижрочилиги ва ижодкорлигининг тадрижий ривож қонуниятларини очишга доир янги назарий концепциялар юзага келди. Номоддий маданий меросни сақлаш, муҳофаза қилиш ва тарғиб этиш миллий ўзликни англашнинг бош мезонига айланган бугунги кунда халқнинг турмуш тарзи, дунёқараши ва воқеликни бадий идрок этиш билан алоқадор аънаналарини тадқиқ этиш асносида фольклор жанрлари генезиси ва типологиясига доир қарашларни янада чуқурлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон фольклоршунослигида топишмоқларни тадқиқ этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилган бўлиб, топишмоқ жанри поэтикаси ва прагматикаси борасида жиддий ютуқларга эришилган. Жумладан, топишмоқларнинг ўзига хос хусусиятлари, воқеликни метафорик нутқ воситасида ифода этиш тамойиллари, топишмоқлар таснифи, структур-семантик табиати ва бадииятини ёритишга алоҳида эътибор қаратилган. Бироқ топишмоқ айтиш аънасининг келиб чиқиш тарихи, ҳаётий-маиший функциялари, топишмоқларнинг тарихий асослари ва бадий эволюциясини тадқиқ этиш фольклоршуносликнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқининг бой маънавий мероси, айниқса, фольклор дурдоналарини дунё халқларининг бадий маданияти контекстида таҳлил қилиш натижасида аждодларимиз поэтик тафаккурининг умумжаҳон цивилизациясида тутган муносиб ўрнини белгилаш ҳамда ҳар томонлама тадқиқ этиш тамойиллари шаклланди. Бу эса беназир бадий қадриятлар тизимига айланган фольклор асарларини тўплаш, системалаштириш ва кенг қўламда тарғиб этиш, эпик сюжетларнинг тарихий асослари ва бадий эволюциясини ойдинлаштиришнинг кенг имкониятларини очди. Фольклор жанрларининг тадрижий ривожини эпос, халқ лирикаси ва оғзаки наср материаллари асосида тадқиқ этиш натижасида халқ ижодиётининг тарихий-тадрижий ривожланиш жараёнига хос хусусиятлар аниқланди. Бугунги кунда «миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик (шу жумладан, ўйинлар ва ўйинчоқлар) материаллар ва бадий адабиётларни тайёрлаш ҳамда мактабгача таълим муассасалари фаолиятига жорий этиш»<sup>1</sup> зарурлиги болалар китобхонлигини янада ривожлантириш, шу жумладан, ўзбек халқ топишмоқларини тўплаш ва нашр этиш ишини жадаллаштиришни тақозо этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3261-сон Қарори / Халқ сўзи. – Тошкент, 2017, 11 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги «2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида» 222-сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳоннинг йирик илмий марказлари ва олий ўқув юртларида топишмоқларнинг жанр хусусиятлари ва поэтикасини ўрганишга доир илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, Ванкувер университети (Канада) профессори Элли Кёнгэс-Маранда фин халқ топишмоқлари таҳлили асосида эмоционал, индивидуал ва информатив топишмоқларни таснифлаш мезонини ишлаб чиққан<sup>2</sup>. Ю.М.Лотман, Е.М.Мелетинский, В.Н.Топоров, Г.Л.Пермяков, А.Н.Журинский, Т.М.Николаева, С.Я.Сендерович тадқиқотларида топишмоқлар генезиси, структураси, семиотикаси, лингвопоэтик хусусиятлари, топишмоқ матнларининг лингвистик моделлари, метафорик нутқ типининг асосий шакллари ва воситалари, миф ва топишмоқ муносабати, топишмоқ матнларининг лингвокултурологияси ва типологияси масалалари ёритилган<sup>3</sup>.

Топишмоқ айтиш билан алоқадор анъаналар ҳар бир халқнинг турмуш тарзи, дунёқараши, урф-одатлари ва воқеликни бадиий идрок этиш тамойиллари билан боғлиқлиги масаласи А.Е.Китиков, Н.А.Лавонен,

---

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Кёнгэс-Маранда Э. Логика загадок (пер. с англ. Н.Кузьминой) / Паремииологический сборник: пословица, загадка (структура, смысл, текст). – М.: Наука, 1978. – С. 249–281; Шу муаллиф. Теория и практика анализа загадок. Пер. с англ. Т.Погибенко / Паремииологические исследования. – М., 1984. – С. 43–65.

<sup>3</sup> Лотман Ю.М. Структура художественного текста. – М.: Наука, 1970; Мелетинский Е.М. О литературных архетипах. – М., 1994; Топоров В.Н. Из наблюдений над загадкой / Исследования в области балто-славянской духовной культуры. Загадка как текст. Т.1. – М.: Индрик, 1994. – С. 10–117; Пермяков Г.Л. Основы структурной паремииологии. – М.: Наука, 1988. – С. 201–204; Журинский А.Н. Семантическая структура загадки. – М.: Наука, 1989; Николаева Т.М. Загадка и пословица: социальные функции и грамматика / Исследования в области балто-славянской духовной культуры. Загадка как текст. 1. – М.: Индрик, 1994. – С. 214–225. Сендерович С.Я. Морфология загадки. – М., 2008.

А.Сўфиев, И.О.Шаракшиновалар томонидан асосланган<sup>4</sup>. Туркий фольклоршуносликда топишмоқларнинг жанрий табиати ва бадий эволюцияси масалалари ўрганилган<sup>5</sup>.

Ўзбек халқ топишмоқларининг тўпланиши ҳамда илмий тадқиқ этилиши фольклоршунос олима З.Хусаинова фаолияти билан боғлиқдир. 1967 йилда ўзбек халқ топишмоқларининг асосий хусусиятларига бағишланган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган олима топишмоқларнинг жанрий табиати ва бадий хусусиятларини фундаментал тадқиқ этиб, топишмоқларнинг илк таснифини яратган<sup>6</sup>. У фольклор экспедициялари давомида топишмоқларни изчил тўплаш асосида «Ўзбек халқ ижоди» кўп жилдлиги сериясида топишмоқларнинг ҳозирга қадар энг мукамал мажмуасини сўзбоши ва изоҳлар билан нашр эттирган<sup>7</sup>. Шунингдек, М.Н.Сайтбаева, Ж.Х.Абдуллаев, М.Сапарниязовалар топишмоқларнинг лексик-семантик ва синтактик хусусиятларини тадқиқ этишга доир номзодлик диссертациясини ҳимоя қилишган<sup>8</sup>.

Ушбу тадқиқот ўзбек халқ топишмоқларининг тарихий асослари, шаклланиш тарихи, қадимги мифологик тасаввурлар, сўз табуси билан боғлиқ анъаналар ва метафорик нутқнинг топишмоқларнинг юзага келишидаги ўрнини аниқлашга қаратилганлиги билан мавжуд ишлардан фарқ қилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг илмий-тадқиқот режаси ҳамда Ф1-ФА-инновация. 2012-1-8 «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари» фундаментал илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

---

<sup>4</sup> Китиков А.Е. Марийские народные загадки. – Йошкар-ола, 1971; Лавонен Н.А. Карельская народная загадка. – Л., 1977; Суфиев А. Таджикские народные загадки: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 1965; Шаракшинова И.О. Загадки. – Иркутск, 1981.

<sup>5</sup> Махмутов Х.Ш. Татарские народные загадки: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 1969. – 24 с.; Исәнбәт Н. Татар халык табышмаклары. – Казан: Идел-йорт, 2002. – 96 б.; Филиппова В.В. Якутские загадки: семантика и структура: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Улан-Удэ, 2002; Абдыракунов Т.А. Киргизские народные загадки. – Фрунзе, 1973; Адамбаева Ж.Д. Литературные-стилистические и языковые особенности казахских загадок: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Алмата, 1966. – 24 с.; Шамшадин Керим. Жанр загадки в казахском фольклоре: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Алматы, 2000. – 55 с.; Укачина К.Е. Алтайские народные загадки. – Горно-Алтайск: Горно-Алтайское отд. Алт. кн. изд-ва, 1984. – 104 с.; Başgöz İlhan. Türk Halkının Bilmeceleri. İkinci Baskı. – Ankara, 1999; Türkyılmaz Dilek. Türk Dünyasında Bilmese. – Ankara: Hacettepe Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, 2007; Алимов Э. Қарақалпақ халық жұмбақтары. – Нукус, 1990.

<sup>6</sup> Хусаинова З. Основные особенности и источники узбекских народных загадок: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1967. – 26 с.; Шу муаллиф. Ўзбек халқ топишмоқлари. – Тошкент, 1961; Шу муаллиф. Ўзбек топишмоқлари. – Тошкент, 1966. Шу муаллиф. Топишмоқлар / Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. – Тошкент, 1988. – Б.98–127.

<sup>7</sup> Топишмоқлар. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Нашрга тайёрловчи: Хусаинова З. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981; Ўзбек топишмоқлари / Узбекские загадки (тўпловчи ва таржимон М.Абдурахимов). – Тошкент, 1991.

<sup>8</sup> Сайтбаева М.Н. Именное сказуемое в узбекских народных загадках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984; Абдуллаев Ж.Х. Ўзбек халқ топишмоқларининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Сапарниязова М. Ўзбек халқ топишмоқларининг синтактик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005.

**Тадқиқотнинг мақсади** топишмоқларнинг тарихий асосларини аниқлаш, қадимги мифологик тасаввурлар, табуистик лексика ва метафорик нутқ билан боғлиқ инонч-эътиқодларнинг топишмоқлар шаклланишида тутган ўрнини ёритишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек халқ топишмоқларининг ёзиб олинishi, нашр қилиниши ва ўрганилиши тарихини таҳлил қилиш;

топишмоқларнинг тарихий асослари, шаклланиш жараёни ва тадрижий ривож тамойилларини тавсифлаш;

қадимги тасаввурларнинг топишмоқ матнларидаги изларини аниқлаш асосида мифологик қарашларнинг топишмоқ генезисида тутган ўрнини белгилаш;

оилавий-маиший ва мавсумий маросимлар контекстидаги топишмоқларнинг функционал-семантик табиатини ёритиш;

топишмоқ айтиш ва унинг жавобини топиш жараёни билан боғлиқ айтимларнинг тарихий асосларини очиқ бериш;

топишмоқларнинг юзага келишида сўз табуси, «яширин нутқ» ва магик инончлар муҳим ўрин тутганлигини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида топишмоқлардаги мифологик тасаввурлар, сўз магияси ва табу билан боғлиқ образлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бадий тафаккур тарихининг архаик қатламига хос хусусиятларни ўзида ифода этган топишмоқлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий таҳлил усулидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

ўзбек фольклоршунослигида биринчи марта топишмоқларнинг тарихий асослари қадимги мифология, сўз магияси, табуистик лексика ва метафорик нутқнинг архаик шакллари билан алоқадорлиги аниқланган;

ўрта асрлар ёзма ёдгорлиги «Кодекс куманикус»даги фольклор материаллари топишмоқлар генезисини тадқиқ этишнинг муҳим манбаи эканлиги асосланган;

топишмоқларнинг шаклланиш жараёни «сўз табуси→яширин нутқ→метафорик нутқ→топишмоқ» босқичларидан иборатлиги исботланган;

топишмоқларнинг келиб чиқишига асос бўлган поэтик моделларнинг шаклланишида қадимги инонч-эътиқодлар ва архаик мифларнинг ўрни ва вазифалари ойдинлаштирилган;

серҳосиллик ғоясини ташувчи қадимги мавсумий маросимлар ҳамда удумларнинг вербал компонентлари топишмоқларнинг юзага келишига асос бўлганлиги далилланган;

ўзбек халқ топишмоқларининг келиб чиқиши ва тадрижий ривож туркий халқлар поэтик тафаккури ва бадий-эстетик анъаналари билан муштарак жиҳатларга эгаллиги кўрсатиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:



Ўзбек халқ топишмоқларининг тарихий асосларига алоқадор манбалар тўпланиб, жаҳон фольклоршунослигининг янги назарий концепциялари асосида комплекс тадқиқ этилган;

топишмоқларнинг шаклланишида аجدодларимизнинг мифологик тасаввурлари, табуистик лексика, оилавий-маиший ва мавсумий маросимларда рамзий-ритуал моҳият касб этган метафорик нутқий мулоқот шакллари муҳим роль ўйнаганлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган;

Ўзбек халқ топишмоқлари генезисини аниқлашга асос берадиган ноёб материаллардан бири – ўрта асрлар қипчоқ ёзма ёдгорлиги «Кодекс куманикус» илк бор фольклористик таҳлил объекти сифатида ўрганилган;

Ўзбек фольклорида топишмоқлар билан боғлиқ мифологик тасаввурлар тизими мавжудлигининг аниқланганлиги туркий халқлар архаик мифологиясини тадқиқ этишда ҳам муайян фактик асос вазифасини ўташи исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, қиёсий-тарихий таҳлил усули билан асослангани, топишмоқлар генезиси ва шаклланишини асослашда бевосита жонли ижро орқали ёзиб олинган материаллар ҳамда энг ишончли архив манбаларига таянилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар ўзбек фольклори жанрлар тизимининг тарихий асослари, тараққиёт босқичлари, ўзиги хос жанрий хусусиятлари билан боғлиқ маълумотларни ўрганишда муҳим назарий аҳамият касб этади. Ўзбек халқ топишмоқларининг тарихий асосларини ёритган ушбу тадқиқот иши ўзбек фольклоршунослиги, ўзбек адабиёти тарихи, матншунослик, этнография, санъатшунослик фанлари ривожига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан ўзбек халқ топишмоқлари генезисига оид умумлашмалар ва материаллардан олий ўқув юртларида халқ оғзаки бадиий ижодиёти фани бўйича маърузалар ўқишда, махсус курслар ўтишда, академик лицей ва коллежларда дарс машғулотлари олиб боришда, ўқув қўлланмалар, дарслик, мажмуалар яратишда, шунингдек, топишмоқларнинг оммабоп ва академик нашрларини тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек халқ топишмоқларининг шаклланиш тарихини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги «2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 222-сон қарори ижроси бўйича нашр этилаётган «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдлигининг бешинчи («Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари: 100 жилдлик. 5-жилд. «Ширин билан Шакар». – Тошкент, 2015, 540 б.), саккизинчи («Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари: 100 жилдлик. 8-жилд. «Соҳибқирон». – Тошкент, 2016, 512 б.)

ва ўн иккинчи («Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари: 100 жилдлик. 12-жилд. «Орзигул». – Тошкент, 2017, 560 б.) жилдларида халқ ижоди асарларини матний таҳлил қилиш ва поэтик образларнинг тарихий асосларини ойдинлаштиришга доир назарий умумлашмалардан фойдаланилган. Натижада ўзбек халқ ижоди асарларини академик нашрга тайёрлашнинг янги илмий мезонлари аниқланган;

Ўзбек халқ топишмоқлари тилидаги табуистик лексика ва метафорик нутқ шаклларида оид луғавий бирликларнинг поэтик талқинларига оид илмий-назарий қарашлар ФА–Ф8–034 рақамли “Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари” (2007–2011) фундаментал лойиҳасига татбиқ этилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 14 ноябрдаги ФТА-02-11/1082-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида ўзбек тили лексик қатламининг семантик майдонига хос янги хусусиятлар ойдинлаштирилган ва изоҳли луғатдаги лексикографик таҳлиллар такомиллаштирилган;

кадимги мифлар ва сўз табусининг топишмоқ жанри генезисида тутган ўрнига оид фактик материаллар ва таҳлилий хулосалар Ф1-ХТ-0-19919 «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётидаги ўрни» фундаментал илмий лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 17 ноябрдаги ФТА-02-11/1104-сон маълумотномаси). Мазкур натижалар ўзбек халқи бадиий тафаккури такомиллида муҳим ўрин тутган миф ва мифологик сюжетларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда фольклор жанрларидаги миф диффузияси ҳодисасининг қонуниятларини ойдинлаштиришга асос бўлган;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Жавондаги жавоҳирлар» кўрсатуви ҳамда «Қадрият» эшиттиришида мазкур телекўрсатув ва радиоэшиттириш учун тайёрланган материаллар тадқиқотчи томонидан тавсия этилган фольклор материаллари, шу жумладан, топишмоқ айтиш анъанасининг келиб чиқиши ва унинг ҳудудий жиҳатдан ўзига хослик касб этиши каби фикрлар билан бойитилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2017 йил 20 ноябрдаги 05-15/4752-сон маълумотномаси). Натижада телетомошабин ҳамда радиоэшиттириш мухлислари топишмоқлар ҳақида янги маълумотларга эга бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 43 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган 154 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзуси ва олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Топишмоқларнинг ўрганилиши тарихи ва мифологик асослари**» номли биринчи бобининг илк фасли «**Топишмоқларнинг ёзиб олиниши ва тадқиқ этилиши тарихи**» деб аталган.

Маълумки, топишмоқ ўзбек фольклорининг қадимий жанрларидан бири бўлиб, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида топишмоқ терминининг «табузуғ» атамаси ва «табузуғ табуздём», яъни «Мен ундан бир топишмоқни сўрадим»<sup>9</sup> бирикмасининг қайд этилиши XI асрдаёқ топишмоқ айтиш анъанаси кенг ривожланганлигидан далолат беради. XIII–XIV асрларга оид ёзма манбалардаги фольклор материаллари эса ўрта асрлардаёқ топишмоқларни тўплаш ва оммалаштиришга киришилганлигини кўрсатади. Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асарида келтирилган «Қамуғ тўнлар йигна бирла тикилур, азинларни ўртар, аммо ўзи ёланг қолур»<sup>10</sup> жумласини таҳлил қилган атоқли олим Ҳ.Зарифов унда жавоби «йигна» бўлган «Ҳаммага тўн тикади, ўзи яланғоч қолади» топишмоғи ўз ифодасини топган деб ҳисоблайди<sup>11</sup>. Бизнингча, ушбу манбадаги «кэнду чироғ менгизлик ўзи ёнар, ўзгаларга ёруғлуқ берур» жумласи ҳам аслида чироқ ҳақидаги топишмоқнинг ҳикматга айлантирилган кўринишидир.

Қадимги қипчоқ лаҳжасига оид ёзма ёдгорлик «Кодекс куманикус»да эса қайроқ, турна, узанги, кирпи (типратикан), кема, пичоқ, ит ва бошқа нарсалар тўғрисидаги 47 та топишмоқ келтирилган бўлиб<sup>12</sup>, улар фольклоршуносликда «куман топишмоқлари» деб аталади<sup>13</sup>. Халқимизнинг шаклланишида қипчоқ гуруҳига мансуб уруғлар ҳам фаол иштирок этганлигини ҳисобга олсак, ушбу манбадаги фольклор материаллари ўзбек

<sup>9</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Т.1. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 429.

<sup>10</sup> Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 118.

<sup>11</sup> Зарифов Ҳ. Ҳаммани кийинтиради / Пўлкан шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 91.

<sup>12</sup> Кодекс куманикус: Половецкие молитвы, гимны и загадки XIII–XIV вв. / Подготовил А.Н.Гаркавец. – М.: Русская деревня, 2006. 88 с.; Жафаров Б. “Кодекс куманикус” топишмоқларининг ўзига хос хусусиятлари // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2016. – №1/2. – Б.239-241; Шу муаллиф. “Кодекс куманикус” – қадимги туркий обида. – Тошкент: Баёз, 2017. – 76 б.; Шу муаллиф. “Кодекс кауманикус” – туркий халқлар ёзма обидаси: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 46 б.

<sup>13</sup> Қаранг: Inan A. Codex Cumanicus bilmecelerine dair / A.Inan. Makaleler ve incelemeler. I. – Ankara: Türk tarih kurumu basim evi, 1987. – S. 353–358; Курьшжанов А. К изучению куманских загадок / Вопросы истории и диалектологии казахского языка. – Алма-Ата, 1960. Вып.2. – С. 167–176.

топишмоқларининг тарихий-тадрижий ривожига бевосита дахлдорлиги аёнлашади.

«Кодекс куманикус»да VI рақами остида тавсифланган «*Ak k'üjmäniң аузи јок*» топишмоғининг жавоби «ol jumurtka» дейилган. Ўзбек фольклорида мазкур топишмоқнинг «Оқ қуймоннинг оғзи йўқ» (тухум) тарзидаги шакли мавжуд. Топишмоқ матнида қўлланилган «қуймон» сўзи тухумга ун ва мой аралаштириб пишириладиган таом номи бўлиб, адабий тилдаги «қуймоқ» лексемаси билан ўзакдошдир. Тухум ҳақидаги топишмоқларнинг ўзбек фольклорида қайд қилинган «*Оқ ўтов, оғзи бутов*»<sup>14</sup>, «*Ой далада оқ ўтов, Оғзи, бурни йўқ ўтов*» (71-бет) каби намуналари ҳам шу жумбоқ билан генетик жиҳатдан муштаракдир. Халқимиз турмуш тарзида ўтроқ маданият устуворлик қила бошлагач, мазкур топишмоқнинг ўхшатиш объекти ҳам ўзгаришга учраб, «*Оқ сандиқ, оғзи йўқ сандиқ*» (71-бет), «*Оқ уйча, эшиги очилгунча*» (71-бет), «*Эшиги йўқ, оқ чумбоқ*» (71-бет) сингари намуналари юзага келган.

«Кодекс куманикус»даги «турна» тўғрисидаги VIII рақамли топишмоқнинг поэтик матни изчил шеърый шаклга эга:

*K'ün altundan älcï keliyir,  
K'ömuš burуу tar(ta) keliyir,  
Aj altunda(n) elcï keliyir,  
Altun burуу t(arta) keliyir.*

Мазкур топишмоқ ҳозирга қадар деярли ўзгаришсиз ҳолда сақланиб келган бўлиб, унинг Сирдарё вилояти Мирзачўл туманидаги Мусофиробод қишлоғида истиқомат қилувчи Қундуз момодан ёзиб олинган намунасида «куман топишмоғи»га хос бўлган аллитерация бадий воситаси (кун – кумуш, ой – олтин), номи яширинган объект (турна)нинг антропоморф шаклда (элчи//йигит) метафоралаштирилиши ҳамда чолғу тимсоли қўлланилиши (бурғу//сурнай) каби хусусиятлар сақланганлиги кузатилади:

*Ой олдидан ўтган жигит,  
Олтин сурнай тортган жигит,  
Кун олдидан ўтган жигит,  
Кумуш сурнай тортган жигит*<sup>15</sup>.

Топишмоқ поэтик қурилиши аллитерацияга асосланганлиги боис, «кун» сўзи ўрнига «ер» лексемаси қўлланилиши натижасида унинг бошқа бир варианты юзага келган. Жиззах вилояти Зомин туманидаги Қарапчи қишлоғида яшовчи Ёрлақаб Бекназар ўғлидан ёзиб олинган қуйидаги намуна фикримиз далилидир:

*Ой остидан ўтган йигит,  
Олтин сурнай тортган йигит,  
Ер устидан ўтган йигит,  
Етти сурнай тортган йигит*<sup>16</sup>.

<sup>14</sup> Топишмоқлар. Ўзбек халқ ижоди. Тузувчи ва нашрга тайёрловчи: Ҳусайнова З. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 71. (Бундан кейин шу манбадан олинган мисоллар саҳифаси қавс ичида бериб борилади).

<sup>15</sup> ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1562.

<sup>16</sup> ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1568.

Мазкур топишмоқда «кун», «ой», «ер» каби самовий тимсолларнинг қўлланилиши унинг юзага келишида аждодларимизнинг ой, қуёш билан алоқадор космогоник қарашлари муҳим ўрин тутганлигини кўрсатса, турнанинг «бурғу (сурнай) тортган элчи (йигит)»га ўхшатилиши табиатни жонлантириб тасаввур қилишга асосланган аниматик мифологияга боғлиқдир.

Ўзбек халқ топишмоқларини бевосита жонли ижро шароитларида ёзиб олиш ва ўрганиш ишлари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлса-да, уларни илмий тадқиқ этиш ва нашр қилиш борасида З.Хусаинованинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга. У топишмоқларнинг жанр хусусиятлари, таснифи ва поэтикасини фундаментал тадқиқ этди<sup>17</sup>. Шунингдек, Афғонистон худудида яшовчи ўзбеклар фольклорини тўплаган Файзулла Аймоқ<sup>18</sup>, Солиҳ Маҳмуд Асос ҳам топишмоқларни ёзиб олишган ва чоп эттиришган. Хусусан, Солиҳ Маҳмуд Асос ёзиб олиб, нашрга тайёрлаган «Жумбоқлар»<sup>19</sup> номли китобга асосан Давлатободдан тўпланган 523 та топишмоқ киритилган бўлиб, улар алифбо тартибида берилган. Бу материалларнинг аксарияти ўзига хос бўлиб, умумўзбек фольклори анъаналаридан фарқланиб турадиган яна бир жиҳати – топишмоқ жанри номини билдирувчи «*топди матал*» атамасининг қўлланилиши билан белгиланади.

Мазкур бобнинг «**Мифологик тасаввурларнинг топишмоқлардаги излари**» деб аталган иккинчи фаслида мифологик инончларнинг ўзбек топишмоқлари матнидаги талқинлари таҳлилга тортилган.

Халқ оғзаки ижодининг энг қадимий жанрларидан бири бўлган топишмоқларнинг юзага келиши ва тадрижий ривожига қадимги мифологик тасаввурлар муҳим роль ўйнаганлигига қуйидаги топишмоқ ёрқин мисол бўла олади:

*Тогда талаймонни кўрдим,  
Сувда сулаймонни кўрдим,  
Юмалаб ётган тошни кўрдим,  
Тузсиз пишган ошни кўрдим (175-бет).*

Мазкур топишмоқнинг тарихий асослари халқимизнинг қадимги мифологик тасаввурларига бориб тақалади. Хусусан, топишмоқнинг «**Тогда талаймонни кўрдим**» мисраси архаик мифологиянинг таркибий қисми бўлган тотемистик қарашлар асосида шаклланган. Топишмоқнинг бу мисрасида «бўри» жавоби яширинган бўлиб, бу жонзот жумбоқ объектига

---

<sup>17</sup> Хусаинова З. Ўзбек халқ топишмоқлари. – Тошкент: Фан, 1961; Шу муаллиф. Ўзбек топишмоқлари. – Тошкент: Фан, 1966; Шу муаллиф. Топишмоқ терминлари / Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент, 1967. – Б. 111-123. Шу муаллиф. Основные особенности и источники узбекских народных загадок: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1967; Шу муаллиф. Топишмоқларда эпитет // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1988. – № 1. – Б. 54–56; Шу муаллиф. Топишмоқлар / Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. – Тошкент, 1988. – Б. 98–127.

<sup>18</sup> Халқ дурдоналари. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи: Файзулла Аймоқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – Б. 204–213.

<sup>19</sup> Жумбоқлар. Ўзбек халқининг оғиздаги топди маталларидан. Тўпловчи ва чопга топширган: Солиҳ Маҳмуд Асос. – Мозори шариф, 1389 (бу китоб араб алифбосига асосланган ўзбек ёзувида чоп этилган).

айланишига сабаб унинг аждодларимиз томонидан тотем-аждод сифатида эътироф этилганлигидадир. Бинобарин, топишмоқ матнида қўлланилган «*талаймон*» лексемаси ҳам тарихан сўз табуси ҳамда тотемистик эътиқод билан алоқадордир. «Девону луғотит турк»да қайд этилишича, қадимги туркий тилда «*толарсақ*» сўзи «хайвонларнинг изи» маъносида қўлланилган<sup>20</sup>. Демак, бу ўринда қўлланилган «талаймон» сўзи тотемизм билан боғлиқ тасаввурлар асосида изоҳланадиган луғавий бирликдир. Чунки қадимги одам тасавбурида бирор киши ёки жониворнинг оёқ изи магия қоидасига кўра унинг ўзига тенг деб қаралган. Мазкур топишмоқдаги «талаймон» лексемаси жонивор маъносини билдирувчи табуистик атамалар билан алоқадорлигини XIII аср ёзма обидаси «Кодекс куманикус»да келтирилган 17-жумбоқ мисолида ҳам далиллаш мумкин. Мазкур жумбоқ «Tav üstindä talaşman, tayayü bar beş batman»<sup>21</sup> (яъни «Тоғ устида талашмон, таёғи бор беш ботмон») тарзида ифодаланган бўлиб, унинг жавоби «тулкининг думи» деб изоҳланган. Бу матнда қўлланилган «талашмон» лексемаси ўзбек халқ топишмоғида қўлланилган «талаймон» сўзининг тарихий-этимологик ўзакдошидир.

Топишмоқ бадиий структурасини ташкил этувчи «*Сувда сулаймонни кўрдим*» жумбоғининг жавоби эса «балиқ»дир. Бу ўринда «сулаймон» сўзи Довуд алайхиссаломнинг ўғли Сулаймон пайғамбар шахси ва унинг фольклор асарларида тасвирланган образига дахлдор эмас. Чунки ўзбек тилининг Хоразм шеvasида «каттаси ярим килогача борадиган майда балиқнинг бир тури» маъносини билдирадиган «*си:ла*»<sup>22</sup> сўзи мавжудлиги ушбу лексема моҳиятини ойдинлаштиришга ёрдам беради. Топишмоқ матнида қўлланилган «*сулаймон*» сўзи «*сила//сула*» + «*-мон*» → «*сулаймон*» тарзида шаклланган бўлиб, луғавий маъноси «балиқ»дир. Жумбоқ объекти ва унинг жавоби ҳам шу маънони тақозо этади.

Диссертацияда, шунингдек, камалак, момақалдирак, сув, от, ой тўғрисидаги ўзбек халқ топишмоқларининг қадимги асотирий тасаввурлар билан боғлиқ генезиси ойдинлаштирилган.

Диссертациянинг «**Топишмоқ айтиш анъанасининг тарихий асослари**» номли иккинчи бобининг «**Маросимлар таркибидаги топишмоқларнинг функционал табиати**» номли илк фаслида ўтмишда топишмоқлар серҳосиллик ғояси ҳамда ўлиб-тирилувчи табиат культлари ҳақидаги мифологик қарашларни ўзида ифода этган қадимий культлар билан алоқадор маросимларнинг муҳим узвларидан ҳисобланганлиги ёритилган. Аждодларимиз топишмоқ айтиш ва унинг жавобини билаётганлик билан топиш ов бароридан келиши, ҳосил мўл бўлиши ва йил баракали келишини таъминлайди, деб тасаввур қилишган. Топишмоқларнинг қадимий ижро ўрни ва шакли рамзий моҳият касб этганлиги ҳамда метафорик нутқ воситасида табиатга таъсир ўтказишга хизмат қилганлигини милoddан аввалги XV–XI

<sup>20</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Уч томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 461.

<sup>21</sup> Гаркавец А. Кодекс Куманикус: Половецкие молитвы, гимны и загадки XIII-XIV вв. – М., 2006. – С. 79.

<sup>22</sup> Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. 1-том. – Тошкент: Фан, 1961. – Б. 117.

асрларда ҳинд қоҳинларининг мавсумий маросимлари тизимида муайян магия ёки ритуал маросимларнинг вербал партитураси, яъни сўз билан ифодаланган талқинини топишмоқлар воситасида баён этишга асосланган «brahmodya», яъни «брахман ҳақида мулоҳаза» деб аталган топишмоқ айтишиш удуми мавжуд бўлганлиги ҳам тасдиқлайди. Ҳар йили янги йил оқшомида ўтказилган бу маросимда рамзий маъно ифодаловчи топишмоқлар айтилган<sup>23</sup>.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида топишмоқ айтиш алоҳида маросим шаклида учрамаса-да, «Ахлантоз» эртагида топишмоқ воситасида куёв танлаш мотиви мавжуд<sup>24</sup>. Топишмоқларнинг қадимий ижро шаклига хос хусусиятлар мотам маросимидаги савол-жавобга асосланган рамзий айтишувларда ҳам кўзга ташланади. Бухоро вилоятининг Олот туманида майит дафн этилган куни кечаси марҳумнинг яқин аёл қариндошлари, оила аъзолари, қўни-қўшни момолар йиғилишиб, жасад чиқарилган уйда ухлаганлар. Марҳум руҳига чироқ ёқилгач, момолар у дунёда бўлиб ўтадиган савол-жавоблар моҳиятини ўзида акс эттирган қуйидаги қўшиқни айтишган:

*Белинда нима бор деганда,  
Олтин камар дегайсиз.  
Оёгинда нима бор деганда,  
Кучу қувват дегайсиз<sup>25</sup>.*

Магик функция бажарувчи бу маросим айтими фикрни «яширин нутқ» орқали баён этиш усулига кўра топишмоққа яқин туради. Зеро, ўзга оламга борган қаҳрамон рақибининг жумбоқли саволларига тўғри жавоб бериш орқали ўзи (ака-укалари, ҳамроҳлари ва ҳ.к.)нинг жонини омон сақлаб қолиши мотиви қадимги ҳинд эпоси «Маҳобҳорат»да ҳам учрайди. Дхарма ва Нахуша билан учрашган Юдхитхирнинг топишмоқларни топиши лавҳаси мифологик талқинда берилган. Юдхитхир топишмоқларнинг жавобини топгач, пандавларни тирилтиради<sup>26</sup>. Қадимги мифология ва архаик эпосда топишмоқ жавобини топмаган қаҳрамоннинг ўлиши ёки жумбоқ жавобини топиш орқали ўлимдан қутулиб қолиш мотиви марҳумнинг у дунёга сафари тўғрисидаги эътиқодий инончлар маҳсулидир.

Қадимий маросимларда серҳосиллик ғояси, ажодлар ҳомийлиги ва синов удумлари билан боғлиқ вербаль компонентлар асосан «метафорик нутқ» асосига қурилган матнлардан иборат бўлган.

Бобнинг иккинчи фасли «**Топишмоқ айтиш билан боғлиқ ўйин айтимлари**» деб аталади. Маълум бўлишича, илгарилари топишмоқ айтиш ўзига хос маросим шаклига эга бўлиб, топишмоқ жавоби, яъни «очуви» ёки «ечими» топилмаган тақдирда жумбоқ қўювчининг ўзи жавобни айтиши билан боғлиқ анъананинг икки хил варианты мавжуд бўлган:

---

<sup>23</sup> Елизаренкова Т.Я., Топоров В.Н. О ведийской загадке типа brahmodya / Пармиологические исследования. – М., 1984. – С. 18.

<sup>24</sup> Гулпари / Ўзбек халқ ижоди. Наманган эртақлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. – Б. 215–217.

<sup>25</sup> Гулпари. Ўша манба. – Б. 145–146.

<sup>26</sup> Невелева С.Л. О композиции древнеиндийского эпического текста / Архаический ритуал в фольклорных и раннелитературных памятниках. – М.: Наука, 1988. – С. 147.

а) **Топишмоқ айтувчининг «шаҳар бериши» анъанасига** кўра, топишмоқ айтувчининг ўзи жавобни айтиб бериши учун жумбоқ ечувчига «шаҳар беражаклигини» айтган ва ана шундан кейин жумбоқ ечимини тополмаган кишини уялтирадиган айтимни ижро этиш асносида айтилган топишмоқ жавобини маълум қилган. Топишмоқ жавобини тополмаган киши «шаҳар бериши», яъни жумбоқ айтувчи билан унинг жавобини топиши керак бўлган киши ўртасида бўлиб ўтадиган айтим-диалоглар ҳам топишмоқ ижрочилигининг таркибий қисми ҳисобланади. Анъанага кўра, жумбоқ айтилганда уни ечувчи киши жавобни тополмаса, топишмоқ айтган одамга «шаҳар беради». Бунда топишмоқ айтувчи билан унинг жавобини топиши керак бўлган киши ўртасида қуйидаги диалог айтилади:

Айтувчи: – *Тополмасанг ман топай, оғзингга таппи ёнай, шаҳар берасан!*

Топувчи: – *Қайси шаҳар?*

Айтувчи:

– *Нурота,  
– Нурота бормоқ керак,  
Қил элак олмоқ керак,  
Қил элак – чархипалак,  
Бангининг боши калак...  
Билмасак-тандиркесак,  
Топишмоқ топганни кўр,  
Бунинг жавоби ...дир!*<sup>27</sup>

Топишмоқ замирида яширинган нарса-ҳодисанинг номини тополмаган кишига қарата айтган «шаҳар берасан» бирикмаси таркибидаги «шаҳар» сўзининг этимологик асоси араб тилидаги «шаҳҳара» лексемасига алоқадор бўлиб, «эълон қилиш», «маълум қилиш», «машҳур қилиш» маъноларини билдиради<sup>28</sup>. Демак, топишмоқ айтувчининг «шаҳар берасан» дейиши унинг ўзи айтган жумбоқ жавобини маълум қилажagini англатади.

б) **Топишмоқ жавобини тополмаган кишининг «қўрғон бериши» анъанасига** кўра жумбоқ жавобини тополмаган киши топишмоқ айтувчига «шаҳар беради». Шундан кейин топишмоқ айтувчи киши жавобни ўз вақтида тополмаган одамнинг тана аъзоларини «сотиб олади» ва ҳар бир аъзо сотиб олингандан кейин жумбоқ жавобини тополмаган кишининг «Нима қиласан?» деган саволига берилган жавобларда ечувчи топа билмаган киши устидан қулиш, уни масҳара қилиш орқали уялтириш мазмуни устуворлик қилади. Ўзбек фольклорида қайд қилинган топишмоқ айтиш билан боғлиқ «қўрғон бериш» анъанасида жумбоқ жавобини тополмаган кишининг тана аъзоларини «сотиш» одати туркий халқлар топишмоқ ижрочилиги учун муштарак ҳодиса саналади<sup>29</sup>.

<sup>27</sup> Диссертант томонидан Навоий вилояти Навбахор туманидаги Арабсарой қишлоғида яшовчи халқ кизикчиси Шухрат Саидовдан 2009 йилда ёзиб олинган.

<sup>28</sup> Хусаинова З. Ўзбек топишмоқлари. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 17.

<sup>29</sup> Қаранг: Махмутов Х.Ш. Татарские народные загадки: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 1969. – С. 17; Алтай табышактар. Алтайские загадки. Составитель, автор перевода, предисловия и комментариев К.Е.Укачина. – Горно-Алтайск: Горно-Алтайское отделение Алтайского книжного издательства, 1981. – С. 12.



«Кўрғон бериш» анъанасининг энг муфассал тавсифларидан бири фольклоршунос Т.Мирзаев томонидан 1973 йил 27 июлда Бойсун туманининг Робот қишлоғида яшовчи 46 яшар Бўрон Бердиев ҳамда Хўжабулғон қишлоғида яшовчи 45 яшар Улаш Жумаевдан ёзиб олинган. Бойсунликлар одатига кўра, топишмоқни кўпчилик бўлиб айтиш урф тусига кирган. Одатда жумбоқ айтувчилар иккига бўлиниб, тарафма-тароф бўлиб айтадилар. Томонлардан бири қўйилган жумбоқни тополмаганда топишмоқ жавобини топиши керак бўлган сотувчи ва топишмоқ айтган тарафдан олувчи бўлади:

- Тополмадим.
- Шаҳар беринг.
- Бердим.
- Буни сотамиз.
- Соттим, ҳа.
- Олдим, ҳа.
- Нимасини?
- Қулоғини.
- Нима қиласиз?
- Супра қиламиз...<sup>30</sup>

Топишмоқ айтувчи билан «шаҳар» берган киши ўртасида шу тариқа давом этадиган «олди-сотди» диалогида «панжа» – шоха (паншаха), «кўл» – косов, «оғиз» – охур (ўра, ўчоқ), «бурун» – тарнов, «кўз» – чироқ (ойна), «тиш» – маржон, «киприк» – супурги, «соч» – арқон, «бош» – қўлғоч (яъни болға), «қорин» – сомонхона, «оёқ» – қозик тимсолларини қўллаган ҳолда рамзий айтишув бўлиб ўтади. Жумбоқ қўювчи ва унинг жавоби-очувини топиши керак бўлган киши ўртасида бўлиб ўтадиган савол-жавобдан иборат диалог «Кўрғонингни бердингми?» деган сўровдан кейин топишмоқ жавобини топа олмаган кишининг калласидан бошлаб барча тана аъзоларини «сотиб олади». Шундан кейин топишмоқ айтувчи: «Мен ҳам бордим бозорга, фалончи (бу ўринда жумбоқ очувини тополмаган кишининг исми айтилади – Мунис Жўраева) ҳам борди бозорга. Икковимиз кетиб бораётувдик, олдимиздан кўза чиқди... Кўзанинг ичида шинни йўқ экан, ичи тўла қизил ари экан. Бари бирдан чиқиб кетиб, фалончини талай берибди. «Бинг-бир ари чақти, бинг-бир ари чақди!»<sup>31</sup> – деб топишмоқ қўювчи бармоғи билан кўзи демай, қорни демай жумбоқ жавобини тополмаган кишининг ҳар жойига турта беради. Топишмоқ айтишиш жараёнидаги «шаҳар» ёки «кўрғон» бериш одатларининг тарихий асослари қадимги маросимларга бориб тақалади.

Диссертациянинг учинчи боби «Сўз магияси ва унинг топишмоқлардаги бадий талқини» деб номланган бўлиб, бобнинг «**Табу ва унинг топишмоқ жанри генезисида тутган ўрни**» номли дастлабки фаслида табуистик лексика ва сўз культининг топишмоқларнинг шаклланишидаги роли ойдинлаштирилган.

<sup>30</sup> ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв. № 861.

<sup>31</sup> ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв. №1525/6. – Б. 42-43. 1958 йил 9 августда З.Хусайнова ёзиб олган.

Халқимиз орасида илгарилари муайян нарса-ҳодисалар, ўсимликлар, жониворлар, одам исми ёки тана аъзоларининг ҳақиқий номини айтмасдан, уларни табулаштирилган атамалар билан ифодалаш анъанаси мавжуд бўлган. Тишлар тўкилиб кетмасин учун уларни калтакесакка кўрсатмаслик ва бу жонивор кўринганда «тиш» сўзини қўлламаслик табуси билан боғлиқ табуистик инончлар шулар жумласидандир. Чунки «тиш» сўзини айтиш уни калтакесакка кўрсатиш билан баробар деб қаралганлиги боис, шу маънони «оқ садаф», «оқ эшак», «тош» каби табуистик лексемалар билан ифодалаганлар. Бу эса «Сандиқ тўла оқ садаф», «Оғил тўла оқ эшак, устида кўрпа-тўшак» (36-бет), «Қаторлата тош қўйдим, қизил ҳўкизни бўш қўйдим» (37-бет) сингари топишмоқларнинг шаклланишига асос бўлган.

